



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (12.537)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Тошкентда 19 ноябрь куні Ўзбекистон матбуоти III Миллий форуми бўлиб ўтди

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини оширишга бағишланган ушбу анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Миллий демократик институт (АҚШ), ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари ходимлари, нодавлат нотижорат

ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкilotлар вакиллари, олимлар, экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзохидов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пикват, ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда соҳага оид иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг мамлакат тарақ-

қиетидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаш, изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришаётган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркинлиги тамойиллари, цензура ва ахборот монополизмини ман этиш, ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини амалга ошириш учун тегишли қонунчилик базаси шакллантирилган. Бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда мамлакатимиз электр техникаси тармоғини янада ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, тармоқ корхоналари, ихтисослашган олий ўқув юртлари вакиллари қатнашди.

ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Т.Жалилов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида электр техникаси тармоғини ривожлантиришга доир изчил ишлар амалга оширилаётгани, олий ўқув юртлари билан тармоқ корхоналари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. Етакичи олий ўқув юртлари базасида олиб борилаётган тадқиқот ва ишланмаларнинг

аксарияти ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз электр энергетика саноати иқтисодиётимизнинг қарийб барча тармоқларида кабель ва ўтказгич маҳсулотлар, паст вольтли аппаратура, шчит қурилмалари, лифт, трансформатор, электр термик ускуналар, турли электрон техника, приборлар, алоқа аппаратураси, маиший техника каби 2000 турдан зиёд маҳсулот етказиб бераётди. Алоҳида янги

Япония — Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга давлат ва жамоат ташкilotлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. 1999 йили Тошкентда Ўз ваколатхонасини очган Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ижтимоий, иқтисодий, гуманитар йўналишларда, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан 18-19 ноябрь кунлари ташкил этилган пресс-турда журналистлар «JICA кўнгиллилари» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. 2000 йилда бошланган ушбу дастур доирасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мутахассислар Ўз билими ва тажрибаси билан ўртоқлашиш орқали турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз энергетика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Масео Шикано. — Хусусан, Таллимержон иссиқлик электр станцияси ўзаро ҳамкорликда модернизация қилинмоқда. Тошкентда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида хорижий тилларни, компьютер ва бизнес юритиш сирларини ўрганиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаймиз ва ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

JICA билан ҳамкорликда тиббиёт тизимида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш» лойиҳаси ана шундай қўшма дастурлардан биридир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда JICA ҳамкорлигида тайёрланган ушбу лойиҳа беморларга ҳамширалик хизмати кўрсатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, ушбу йўналишда кадрлар малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир иштирокчилари Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бўлишиб, бу борадаги ҳамкорлик самаралари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

Журналистлар Фарғона вилоятининг Қува туманидаги «Гулистон» қишлоқ врачлик пунктида япониялик кўнгилли Ямакучи Акико томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Н.МАНЗУРОВА,
М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбирлари

моделлар ишлаб чиқиш, ускуналарни монтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш сингари хизматлар ҳам кўрсатилмоқда. 2013 йилнинг биринчи ярмида уюшма корхоналари томонидан қиймати 158,7 миллиард сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 81,67 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 29 июлда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, уюшма таркибидagi корхоналарнинг деярли барчасида янги турдаги рақобатбардош ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. 2012 йили 14 корхонада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 48 лойиҳа амалга оширилган.

Давра суҳбатида электр техникаси тармоғини янада ривожлантириш истиқболлари бағишланган маърузалар тингланди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикасида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган мусобақа ва танловларнинг голиблари, лойиҳаларнинг фаол иштирокчилари муносиб тақдирланди.

● Қарши шаҳрида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят эндокринология диспансери ҳамкорлигида «Диабетсиз соғлом ҳаёт» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбир доирасида вилоят эндокринология диспансери ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан қандли диабет билан касалланган беморларга дори-дармонлар топширилди.

● Хоразмда «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда интеллектуал мулкни муҳофиза қилиш бўйича асосий қонун ҳужжатлари ҳақида тушунчалар берилиб, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, товар белгилари ҳуқуқий муҳофазаси ҳамда интеллектуал мулк учун патентнинг моҳияти ва патент тизимининг вазибалари, мулк агентлигида рўйхатдан ўтказиш тартиби каби масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида «Тадбиркорлик — обод ҳаёт пойдевори» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари самарадорлигини ошириш, аёллар ўртасида тадбиркорликни кенгайтириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

● Американинг Иллинойс штатининг шимолий қисмига кучли бўрон ва тинимсиз ёмғирлар хуруж натижасида жиддий зарар етди. Чунончи, штат марказида 50 га яқин уйлар вайрон бўлди, электр таъминотида узилишлар юзга келди. Ноқулай об-ҳаво натижасида Чикагодаги иккита аэропортда барча рейслар бекор қилинди.

● Мисрда йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди — темир йўлнинг автомобиль йўли билан кесишув жойида поезднинг юк машинаси ва автобус билан тўқнашиб кетиши оқибатида 25 киши ҳалок бўлди, 30 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда ва ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш очилди.

● Жаҳон антидопинг агентлигининг Жанубий Африка Республикасида ўтказилган навбатдаги Конгрессида янги таҳрирдаги антидопинг кодекси маъқулланди. 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирадиган мазкур ҳужжатда таъқиқланган препаратларни қабул қилганлик учун спортчи таъинланганидан жазо муддати узайтирилган. Жумладан, энди айбдор деб топишган спортчи мусобақалардан икки йилга эмас, балки тўрт йилга четлаштирилади.

ҚИСҚА САТРАПДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Яккасарой тумангаз» корхонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

21 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган

Давлат дастурининг ижроси юзасидан банклар томонидан белгиланган устувор вазибалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузу-

ридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Глобаллашув жараёнида «оммавий маданият»нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири» мавзусида давра суҳбати ташкил этилади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР
ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётган. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг зарур ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур ташкилотларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки таъминланмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 404 та нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, 16 та йўналиш бўйича фаолият юритмоқда. Шундан 139 таси давлат рўйхатидан ўтган бўлса, қолган 265 таси ҳисоб рўйхатидан ўтган. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида шахримизда ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг Тошкент шаҳри минтақавий босқичида ҳам шу ҳақда фикр юритилди.

Унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шаҳарда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партиялар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Форум нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини акс эттирувчи кўргазма, хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намоиши билан бошланди. Анжуман доирасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар томонидан мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишини таъминловчи, халқроқ меъёри ва стандартларга жавоб берувчи қонунчилик базаси шаклланиши алоҳида таъкидланди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашдаги ролини кучайтириш борасидаги бир қатор масалаларга тўхталиб ўтилди. — Форумни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга молик масалаларни ҳал этишда самарали ҳамкорлик шакллари ва механизмларини янада кенгайтириш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан конструктив муносабатлар «майдончаси»ни вужудга келтиришдир, — дейди



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари Дониёр Аюпов. — Бундан ташқари бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасида ҳамкорлик меморандумларини имзолашдан иборат. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, форум доирасида 7 та

шўъбага бўлинган ҳолда «ННТларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб вазифаларини ҳал қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтириш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари Дастури» лойиҳасига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ННТларнинг рўйхатдан ўтишида адлия бошқармалари томонидан ҳужжатларни қамайтириш ва соддалаштириш; ўз ташаббуси билан очилган ННТлар билан давлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклигини кучайтириш; ижтимоий йўналишдаги ННТларни қўлайтириш; ННТлар ва соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бандлик марказлари, пенсия жағамармаси бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва уларнинг эшитувларини кучайтириш; маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ижтимоий ҳамкор ташкилотларнинг ННТ билан биргаликдаги иш фаолиятини такомиллаштириш хусусидаги таклифлар шулар жумласидандир.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган масалаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш,

Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш ва Давлат солиқ қўмиталарининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик эшитувчи ўтказилди.

Жойларда ижтимоий шериклик таъминлашнинг қарор топтириш ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТлар вакилларининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳамда ижтимоий фаолигини ошириш, муҳим ва долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда мониторинг қилиш ишларига уларни жалб этиш орқали ижтимоий тусдаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови пойтахтимизда ҳам юқори савияда ўтмоқда. Тошкентда мазкур сайловда 475 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

САЙЛОВ ДАВОМ
ЭТМОҚДА

— Халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашда фуқаролар йиғинларининг ўрни бекиб, — дейди Тошкент шаҳар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Сотибди Бобоқулов. — Шу маънода маҳаллаларимизда бошланган сайлов жуда муҳим ижтимоий-сиёсий жараёндир. Чунки мазкур сайловда халқимиз томонидан танланган номзодлар эртага маҳаллаларимизнинг ободлиги, аҳоли манфаатларини қўллаб қатта масъулиятли вазифаларни адо этади. Шу боис сайловга ўтказилган тарғибот-тушунтириш тадбирларида унинг аҳамияти, сайлов билан боғлиқ қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти фуқароларимизга кенг тушунтирилди.

Сайловга юртошларимиз жуда катта қизиқиш билан ёндашмоқда. Айниқса, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни танлашда уларнинг ишчанлик қобилияти, билими, тажрибаси, халқ орасидаги обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, ана шундай сифатларга эга бўлган шахсгина маҳаллани ривожлантириш, маҳалладошларини эзгу мақсадлар сари жипслаштириши мумкин.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Нодирабегим» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов юқори савияда ташкил этилди. Сайлов ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилди.

Маҳаллада фуқаролар йиғини раиси лавозимига тўрт нафар, маҳалла маслаҳатчилигига 22 нафар номзод кўрсатилган эди. Сайлов очик овоз бериш тартибиде, ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилди. Натижада ўшбу маҳаллада беш йилдан ортиқ вақт давомида маҳалла оқсоқоли лавозимига ишлаб келаётган Хайрулло Зиёмухамедов энг кўп овоз олишга эришди.

Шу кун маҳалла ахли фуқаролар йиғини раисининг 15 нафар маслаҳатчисини ҳам сайлади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТИ ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИГА
ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол туфайли оммавий ахборот воситалари мустақил ва эркин ривожланмоқда. Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 395 оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар 1367 тани ташкил этади. Сўнгги ўн йилда мустақил босма оммавий ахборот воситалари сони 2,5 баробардан кўпроқ ошди. Бу барча газета ва журналларнинг қарийб 62 фоизини ташкил этади, электрон оммавий ахборот воситаси эса 7 баробар кўпайди. Оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган қарийб 300 веб-сайт иш юритмоқда.

Ўзбекистонда медиа тузилмаларининг эркин фаолият юритиши, соҳада фуқаролик институти ривожланишини таъминловчи кенг кўламли институционал ислохотлар амалга оширилди. Мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнида қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан фуқаролик институтиларини, шу жумладан, медиа тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун 2008-2012 йиллар давомида 27 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислохот этиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллий медиа тизимини давр руҳига мос тарзда изчил ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малака ва маҳоратини оширишда муҳим босқични бошлаб берди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида аҳолини хабардор қилишнинг очиклиги, транспарентлиги, маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш мақсадида барча давлат органларининг веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 2002 йилда «Uz» домен зонасидаги веб-сайтлар сони 587 данага ташкил этган бўлса, бугунги кунда 17 мингтага етди, мингдан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъект интернет хизмати кўрсатмоқда.

Медиа соҳада олиб борилаётган кенг кўламли тўб ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда интернет тизимини фойдаланувчилар сони жадал кенгайиб бормоқда. Ушбу глобал тармоқдан фойдаланувчилар айни пайтда 12 миллиондан ошди.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган фармойишига биноан шу йилнинг май ойидан бошлаб Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сийновдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказилмоқда. Бу эса мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, унинг меъёрларини амалда қўллаш, давлат органларининг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги фаолиятдан аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтиларини аҳамиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Қонун лойиҳаси синови ўтказилиши муносабати билан мазкур вилоятларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг озғичи ва ёзма сўровлари салмоқли даражада кўпайгани амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ишончи янада мустаҳкамланганлигига ақвол мисол бўла олади. Жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига оид ахборот олиш мақсадида мазкур давлат органларининг очик ҳайъат йиғилишларида фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари вакилларининг матбуот, теле, радиоканаллар орқали чиқишлари тобора фаоллашмоқда.

Экспертлар томонидан қайд этилганидек, ҳуқуқий экспирмент давомида нафақат бевосита ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга, балки журналистлар фаолияти соҳасининг ўзини ўзи тартибга солиш тамойиллари — касб этикаси кодекслари, ўзаро ишонч тамойиллари асосланган қрида ва меъёрлар билан мувофиқлаштирилган муносабатларга оид қисми ҳам синодан ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбекистонда матбуот соҳасини ривожлантириш, унинг эркин, ошқора ва самарали фаолият кўрсатиши учун ҳақон андозалари даражасида шартот яратилган, — дейди ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. — Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга оид лойиҳа жамоатчилик, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар бўйича босқимча-босқим амалга оширилмоқда. Журналистлар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун барча қонуний асослар яратилган. Ушбу соҳада ташкилотимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

— Фуқаролик жамияти институтилар тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини оширишга бағишланган мазкур миллий форумда иштирок этганидан мамнунман, — дейди америкалик эксперт Ллойд Халверсон. — Анжуманда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигига оид маъруза билан иштирок этдим. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, унинг эркин, ошқора ва самарали фаолият кўрсатиши учун кенг шартотлар яратилганига гувоҳ бўлдим.

Форум иштирокчилари демократик ислохотлар очиклиги ва транспарентлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни илгари суришда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ошириш, журналистларнинг касб ва одоб меъонлари каби масалаларни атрофича муҳокама қилди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган «Этироф» ижодий қўрик-танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Назкат УСМОНОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбирлари

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳага жорий этиш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал юксалтиришга хизмат қилаётган. Бунинг коммунал хўжалик ва уй-жой фонднинг e-kommunal.uz. портали мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЎЗА мухбири «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директори Иброҳим ЖўРАЕВ билан мазкур порталда қандай имкониятлар яратилгани ҳақида суҳбатлашди.

— Коммунал хўжалик ва уй-жой фонднинг e-kommunal.uz. портали Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида яратилди. Порталнинг асосий вазифаси ҳокимиятларнинг ўзаро, аҳолининг уй-жой-коммунал соҳа ва коммунал хизмат вакиллари, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг соҳани юқори ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдир. Мақсадимиз — интерфаол ва ахборот хизмати кўрсатиш орқали коммунал хизматнинг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши учун ягона ахборот маконини ташкил этиш, коммунал хизматлар фаолиятида ошқораликни таъминлашдан иборат. Портал ёрдамида истеъмолчиларга интерфаол хизматлар кўрсатиш мақсадида коммунал хизмат ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти автоматлаштирилмоқда.

— Порталда қандай имкониятлар яратилган?

— Портал коммунал соҳага оид қўллаб ахборот хизматларини тақдим этади. Бу ерда янгиликлар, баҳарлаётган таъмирлаш ишлари ҳақида ахборот, коммунал хизмат кўрсатиш жадвали, соҳага доир масалаларни тартибга солидиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, коммунал хизмат телефон рақамларини олиш мумкин. Портал ёрдамида истеъмолчилар ўзининг жорий ҳисоб рақами ҳақида билиши, «SMS-to-lov» электрон тизими орқали кўрсатилган хизматлар учун пул тўлаши, тегишли давлат органларига мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаатларни тақдим этиш тартиби жуда оддий. Фойдаланувчи бунинг учун ID.UZ идентификация тизимида ўзининг ҳисобга олиш ҳужжатини тасдиқлаши, тайёр мурожаат формасини тўлдирishi, зарур ҳолларда эса унга қўшимча файлларни қўйishi керак. Сўнгра

фойдаланувчи томонидан танланган соҳа ва тоифага қараб, тизим унинг мурожаатини тегишли давлат органига жўнатади.

Мурожаат модулига барча ҳокимликлар, Тошкент шаҳридаги коммунал хизматлар, коммунал соҳани назорат қилувчи органлар уланган. 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқиш мuddати улар тақдим этилган пайтдан бошлаб, 30 кунни ташкил қилади. Бирок, амалиёт шуни кўрсатадики, интернет технологияларининг жорий этилиши мурожаатларни қўриб чиқиш мuddатини 5 иш кунигача қисқартириш имконини беради. Портал ишга тушганидан буён фойдаланувчилар томонидан мингдан зиёд мурожаат келди. Ижрочилар уларнинг саккиз юздан ортигига жавоб қайтарди.

Ахборот-коммуникация технологиялари
E-KOMMUNAL.UZ:
ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

— Портал фойдаланишга топширилгандан сўнг қандайдир қийинчиликлар юзага келмадими?

— Дастлаб мурожаатлар устида ишлаш мuddатлари ўтган ҳолларга кузатилди. Аммо, кейинчалик мурожаатларни мониторинг қилиш модулини ишлаб чиқдик. Шу боис масъул давлат органлари қўриб чиқиш мuddати кечиктирилаётган мурожаатларни кузатиб, бундай камчиликларни баратараф этишга доир шошилинч чоралар кўрмоқда.

Коммунал соҳанинг ҳар бир тегишли давлат органи ва идорасида фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби ҳақида низоимлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Портал орқали юборилган мурожаатлар ҳам қозғоғи мурожаатлар каби бир хил юридик кунга эгадир.

Бундан ташқари, айрим коммунал хизматлар ва тегишли давлат органлари вакиллари портал ишга тушгандан кейин баъзи мурожаатларни истеъмолчи билан боғлаш учун маълумот ва ҳатто унинг уй рақами кўрсатилмагани боис тезкор тартибда қўриб чиқа олмади. Шундан сўнг мурожаатлар модули қайта қўриб чиқилди ва ўзгартрилди. Энди мурожаатда тўлдирилиши шарт бўлган ва фойдаланувчи ҳақидаги зарур маълумотларни ўз ичига олган алоҳида жой ажратилди. Агар фойдаланувчи ўзи ҳақидаги маълумотларни қайд этмаса, мурожаатини жўната олмайд.

Шу билан бирга, дастлабки пайтларда ижрочилар саволни қўриб чиқмасдан туриб, жавоб қайтарган ҳоллар ҳам учради. Шундан сўнг фуқаролар ўз мурожаатларини қўриб чиқишдан қонқиш ҳосил қилгани ёки қилмаганини таҳлил этиш модулини ишлаб чиқдик. Энди

фойдаланувчи ижрочиларнинг жавобларини ҳам баҳолаш мумкин. Агар фуқаро берилган жавобдан қонқиса, тизим мурожаатни тўлиқ бажарилган деб ёпади. Фойдаланувчининг яна айрим саволлари бўлса ёки жавобдан қонқимаса, у бунинг сабабини ёзиб, мурожаатни қайта жўнатиши мумкин. Бунда тизим автоматик равишда мурожаатни такорорий сифатида қабул қилади ва юқори органларга юборади.

— Портални яратишда қандай технологиялар қўлланилди ва келажакда унга қандай ўзгаришлар киритиш режалаштирилмоқда?

— Портални яратишда ўз технологик ечимларимиздан фойдаландик. «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази улардан ўз фаолияти доирасида 10 йилдан кўпроқ вақтдан буён фойдаланиб келмоқда. Портални ривожлантиришга оид режаларимиз кўп. Масалан, яқин вақтларда фойдаланиш қулай бўлиши учун уни модернизация қилиш, дизайнни янгилаш, автоматлаштирилган жараёнларни оптималлаштириш, уй-жой ҳўжалиги соҳасида қўшимча хизматлар ишлаб чиқиш, коммунал хизматларнинг барча биллинг тизимлари ва марказий маълумотхоналарини маълумотлар базасига интеграциялаштириш,

ХУМШ шахсий кабинетини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, ҳокимликлар, коммунал хизмат ва тегишли давлат органлари билан портал фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

— Марказ томонидан коммунал хўжалик соҳасига оид янги лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилаётими?

— Уй-жой ҳўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат органлари фаолиятини автоматлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, турли лойиҳалар, хусусан, «Yordam» мобил илова лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилаётган. Унинг ёрдамида фойдаланувчи ўз мурожаатини мобил телефон орқали давлат органига юбориши мумкин. Амалиёт мазкур лойиҳа самарали эканини исботлади.

Шунингдек, марказ ҳокимликлар билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган. Улар учун уй-жой ҳўжалиги соҳасини мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Коммунал хизматлар билан биллинг тизимлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ишлари йўлга қўйилган, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун электрон тўловлар тизими интеграциялаштирилмоқда. Лойиҳалар кўп. Аммо битта портал ёрдамида ҳамма нарсани автоматлаштириб бўлмайди. Шу боис уй-жой-коммунал ҳўжалигини ривожлантириш ва автоматлаштириш соҳасида тегишли барча хизматлар билан биргаликда ишламоқдамиз.

Роман БОНДАРЧУК
суҳбатлашди



Кеча шахримиздаги Ёшлар ижод саройида «Тадбиркор аёл — 2013» кўрик-танловининг шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Илк маротаба ўтказилаётган ушбу танлов Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» уюшмасининг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилди. Танловда ёши, касби ва қизиқишларида қатъи назар турли ёшдаги тадбиркор аёллар иштирок этди.

Танловлар

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг билим даражаларини ва жамиятдаги нуфузини ошириш, тадбиркорлик соҳасидаги олиб бораётган ишларини рағбатлантириш, эришган ютуқларини кенг тарғиб этиш ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди.

Бугунги кунда «Тадбиркор аёл» уюшмаси ўз сафига шахримиздаги йирик тадбиркорлик субъектларини бошқариб келаётган юздан ортқ аёлларни бирлаштирганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз ва уюшма ташаббуси билан уюштирилаётган бундай танловлар аёллик, оналик мактабининг янада улғуялишида, шу билан бирга уларнинг интилишларини, тадбиркорлик маҳоратларини

кенгайтириб бориш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Тадбиркор аёл — 2013» танловининг Тошкент шаҳар bosқичида туман bosқичларида голиб чиққан ўн бир нафар хотин-қизлар қатнашди. Улар ўзларининг аёллик нафосатини, оналик меҳрини, юрт равнақи йулидаги тадбиркорлик фаолиятини, қизиқиш ва орзу-умидларини танлов шартлари асосида намойиш қилдилар.

Шундай қилиб, танловнинг барча шартларини катта маҳорат билан бажариб, соҳадаги ўз иқтидорларини намойён этган тадбиркорлар шохсупанинг энг юқори поғоналаридан ўрин олдилар. Ҳакамлар ҳисоб-китобдан сўнг Шайхонтоҳур туманидаги «Биолайф Косметикс» масъулияти чекланган жамияти раиси Саидибаби Ҳасанова биринчи ўринга, Юнусобод

туманидан «Шоҳ продукт плюс» МЧЖ раҳбари Назира Исроилова иккинчи ўринга ва Чилонзор туманидан Гулбаҳор Қосимова учинчи ўринга мушарраф бўлиб, танловнинг шаҳар bosқичи голиблигини қўлга киритдилар.

— Мен бениҳоя шодман, — дейди биринчи ўрин соҳибаси Саидибаби Ҳасанова. — Голиб бўлишни орзу қилгандим, бор куч-маҳоратимни ишга солдим. Изланиш ва интилишларим зое кетмади. Бу танлов аёлларимизни изланишга, янгиликлар яратишга, ўз устидаридан янада кўпроқ ишлашга қорлайди.

— Аёл нафақат меҳрибон она, саранжом, саришта, пазанда уй бекаси, балки жамиятнинг асосий устунларидан биридир, — дейди иккинчи ўринга сазовор бўлган Назира Исроилова. — Бу танлов ўзимизга бўлган

ишончимизни янада орттирди. Барча иштирокчилар номидан танловни уюштирган ва юқори даражада ўтишига хисса қўшган ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман. Кўрик доирасида иштирокчилар ўз маҳсулотларининг кўргазмасини ҳам ташкил қилдилар.

Танлов сўнггида голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди.

Танловда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: танловдан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

Тошкентда «Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар — экологик барқарорлик кафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қонун ва ижро

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш масалалари кўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари П.Реймов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакилининг ўринбосари Я.Силлерс ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида экологик хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда табиатнинг ноёб ҳудудларини асраш, қайта баёраётган биологик турларни сақлаш ва қўлайтириш, муҳофазат этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилади. 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мазкур соҳадаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўриқхона, табиат ёдгорликлари, табиий питомник, буюртма-хона, биосфера резерватларини ўз ичига олган ўттиздан зиёд муҳофазат этиладиган табиий ҳудуд

мавжуд. Ушбу ҳудудларда табиатни асраш, ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофазатлаш, экотизимлар барқарорлигини сақлаш борасида қўллаб-қўллаб ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғарма ҳамкорлигида ҳаётга таъбиқ этиладиган «Қўриқхоналар мисолида муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар миллий тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида бу борадаги ишлар қўламини кенгайтирилмоқда. Мазкур лойиҳада белгиланган вазибалар bosқичи-босқич ҳаётга таъбиқ этилиши натижасида муҳофазат этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, уларни бошқариш тизимини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Бу соҳадаги чора-тадбирларни янада кенгайтириш мақсадида тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз олимлари ҳамкорлигида 2014-2023 йилларда муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тизимини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилди.

Тадбирда муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари, тегишли давлат, жамоат ташкилотлари томонидан бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, дастурда қўзда тутилган вазибаларни ҳаётга таъбиқ этиш механизмига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ОБОД ЮРТДА СОҒЛОМ ОИЛА

Ю.Ражабий номидаги педагогика коллежи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти томонидан «Турмушимиз ободлиги, жамият мустаҳкамлиги — мамлакатимиз барқарорлигидир» номили грант лойиҳаси доирасида «Соғлом оила — соғлом авлод миллат бойлиги» мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбирда «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти аъзолари, Ю.Ражабий номидаги педагогика коллежи талабалари, ўқитувчилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди. Анжуманда юридик фанлари доктори, профессор Омина Қаримованинг «Оила қонун ҳимоясида», табиёт фанлари доктори, профессор Дилобар Миррахимованинг «Аёл саломатлиги — миллат бойлиги» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда ушб келаётган ёш авлодга миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини сингдириш, жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялаш, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, «Обод турмуш йили»да ёшларнинг жамиятдаги ролини ошириш, соғлом турмуш тарзининг оиладан бошланиши, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий масъулиятни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш, бинобарин, аёл саломатлиги миллиятимиз бойлиги, жамиятимиз мустаҳкамлиги, мамлака-

тимиз тараққиёти ва барқарорлигида муҳим ўрин тутиши ҳақида алоҳида сўз борди. Тадбир сўнггида коллежнинг ҳушовоз хондаларининг қўй-қўшқлари мароқ билан тингланди.

Шунингдек, юқоридаги грант лойиҳаси асосида «Ўзбекистон — Латвия» ҳамда «Ўзбекистон — Литва» дўстлик жамиятлари ҳамкорлигида Тошкент Кимё-технология институтида ҳам маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари «Ўзбекистон — Латвия» дўстлик жамияти аъзоси, профессор А.Артиковнинг «Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотларнинг самараси», Республика Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси вакили У.Мансурованинг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг ўрни» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

Анжуман давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Даврон НУРМАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳри ҳудудида куз-қиш мавсуми даврида ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, табиий газ истеъмолчилари томонидан газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги 2011 йил 18 ноябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкентшаҳаргаз» филиали ва унинг тасарруфидаги хизматлар томонидан Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ ходимлари ва унинг жойлардаги инспекторлари билан ҳамкорликда 2013 йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши юзасидан тадбирлар амалга оширилади.

«Тошкентшаҳаргаз» филиали Сизлардан ушбу ойликда фаол иштирок этишингизни сўрайди ва фурсатдан фойдаланиб қуйидагиларни эслатиб ўтади:

Заҳарланиш, ёнғин ва бошқа нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун;

— Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва уларни қаровсиз қолдирманг;

— Газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланманг;

— Дудбуронли газ асбобларини, дудбурон ва шамоллатиш йўлларига хизмат кўрсатувчи корхона мутахассислари томонидан уларнинг кўрикдан ўтказилишини таъминланг;

— Носоз дудбуронли газ асбобларидан фойдаланманг;

— Ностандарт газ асбоблари ва резина ичаклардан фойдаланманг;

— Газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинг;

— Агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматларига (254-15-61-Миробод тумангаз ФХ, 267-46-24-М.Улуғбек тумангаз ФХ, 278-09-99-Чилонзор тумангаз ФХ, 296-39-61-Ҳамза тумангаз ФХ, 255-49-59-Яккасарой тумангаз ФХ, 242-39-26-Шайхонтоҳур тумангаз ФХ, 212-25-52-Юнусобод тумангаз ФХ, 248-35-48-Олмазор тумангаз ФХ, 258-84-33-Сергели тумангаз ФХ, 274-44-34- Учтепа тумангаз ФХ, 295-14-43- Бектемир тумангаз ФХ) ёки марказий авария диспетчерлик хизматининг 104, 255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Шуни эсдан чиқармангиз:

— Табиий газдан оқилона фойдаланиш, газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш — нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга;

— Сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шахримиз газ ҳўжалигидаги газ қувурлари ва иншоотларини ўз вақтида таъмирлашга ҳамда истеъмолчиларга узлуксиз газ етказиб бериш учун имконият яратди.

Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарқатмасин, ҳамиша хурсандчилик ҳамроҳингиз бўлсин!

«Тошкентшаҳаргаз» филиали маъмурияти.

Саноат корхонаси ишлаб чиқариш жараёнига тажрибаси бўлган

— 4-6 тоифали электр монтажчилар;

— 4-6 тоифали электрикларни доимий ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм ва ундан юқори.

Корхона ишчиларни хизмат транспорти, bepул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

(90)352-36-05

(90)982-56-44

(93)172-44-07

(90)167-17-58

Мулоқот учун телефонлар:

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНА-СИ бошланғич баҳоси bosқичи-босқич олиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари ва мулк қўйилмоқда: 1. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1994 й. и.ч. «Газ 33070» д.р. 11 АС 332. Бошланғич баҳоси — 2 631 448 сўм. 2. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1996 й. и.ч. «Газ 270500» д.р. 11 АА 065. Бошланғич баҳоси — 9 618 306 сўм. 3. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1993 й. и.ч. «Маз-5337 СМК 101 Автокран» д.р. 11 АА 069. Бошланғич баҳоси — 6 354 167 сўм. 4. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1993 й. и.ч. «Кавз 3976 Автобус» д.р. 11 АА 060. Бошланғич баҳоси — 2 100 971 сўм. 5. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1984 й. и.ч. «Газ 53205Р юк бортли» д.р. 11 АА 071. Бошланғич баҳоси — 1 931 411 сўм. 6. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1994 й. и.ч. «Газ 5201» д.р. 11 АА 070. Бошланғич баҳоси — 2 031 811 сўм. 7. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.02.2009 й. № 28105/7 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1986 й. и.ч. «Маз 5334» д.р. 11 АА 072. Бошланғич баҳоси — 22 561 299 сўм. Янгийўл ТИХПТФД гаражида сақланмоқда. (1,2,3,4,5,6,7). 8. Янгийўл тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й. ижро ҳўжжатиға асосан 1989 й. и.ч. «Москвич-412 ИЭ» д.р. 11 К 7764. Бошланғич баҳоси — 431 445,4 сўм. «Янгийўл Савдо Файз Барака» МЧЖда сақланмоқда. (8). 9. Янгийўл тумани СИБ томонидан 04.10.2012 й. ижро ҳўжжатиға асосан 2010 й. и.ч. «CAPTIVA RLГ» д.р. 10 070 КАА. Бошланғич баҳоси — 61 376 259,2 сўм. Янгийўл тумани, Гулбаҳор к.ф.й., Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда. (9). 10. Бўка тумани СИБ томонидан 30.01.2013 й. № 11-1332/873 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Лада 11183-114-30» д.р. 10 501 УАА. Бошланғич баҳоси — 12 260 970 сўм. 11. Бўка тумани СИБ томонидан 30.01.2013 й. № 11-13322/873 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Ваз 21070-120-21» д.р. 10 078 КАА. Бошланғич баҳоси — 11 111 580 сўм. 12. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1986 й. и.ч. «Газ 52» д.р. 10 864 КАА. Бошланғич баҳоси — 3 933 122 сўм. 13. Бўка тумани СИБ томонидан 11.05.2009 й. № 11-0906/6204 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1974 й. и.ч. «Кавз 685» д.р. 11 АС 524. Бошланғич баҳоси — 2 153 320 сўм. 14. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Уаз 31512» д.р. 11 АА 733. Бошланғич баҳоси — 5 497 389 сўм. 15. Бўка тумани СИБ томонидан 11.05.2009 й. № 11-0906/6204 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1997 й. и.ч. «Кейс». Бошланғич баҳоси — 37 744 658 сўм. 16. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 391 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Опел» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 2 346 606 сўм. 17. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1997 й. и.ч. «Т28х4М» д.р. 1907 ЕР. Бошланғич баҳоси — 1 411 295 сўм. 18. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1993 й. и.ч. «Т28х4М» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 5 943 636 сўм. 19. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1995 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 546 268 сўм. 20. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1994 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 471 749 сўм. 21. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1993 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 437 016 сўм. 22. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1994 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 471 749 сўм. 23. Бўка тумани СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1995 й. и.ч. «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 589 688 сўм. 24. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Т28х4М» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 2 010 898 сўм. 25. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «2-ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 508 382 сўм. 26. Бўка тумани СИБ томонидан 14.09.2012 й. № 211 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Москвич-412» д.р. 11 Е 1608. Бошланғич баҳоси — 580 092 сўм. 27. Бўка тумани СИБ томонидан 20.01.2012 й. № 2-165/03-12 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Мотор эҳтиёт қисмлари». Бошланғич баҳоси — 286 451 334 сўм. 28. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7440 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1978 й. и.ч. «ИЖ» д.р. 11 О 9497. Бошланғич баҳоси — 1 118 611,60 сўм. 29. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7437 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 2004 й. и.ч. «Газ 31105» д.р. 11 Н 3777. Бошланғич баҳоси — 14 596 179,60 сўм. 30. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7443 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1978 й. и.ч. «Ваз 21011» д.р. 10 М 109 АА. Бошланғич баҳоси — 3 421 287,60 сўм. 31. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7441 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1986 й. и.ч. «ИЖ 2715» д.р. 10 К 342 ВА. Бошланғич баҳоси — 1 344 441,60 сўм. 32. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7438 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1998 й. и.ч. «Газ 3110» д.р. 20 К 581 АА. Бошланғич баҳоси — 8 871 916,40 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. (28,29,30,31,32). 33. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1991 й. и.ч. «ДТ-75» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 3 119 930 сўм. «Зафар қурилиш инвест» МЧЖ омборида сақланмоқда. (33). 34. Миробод тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 29965/6 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан «Ваз 2106» д.р. 01 В 620 СА. Бошланғич баҳоси — 6 025 335 сўм. 35. Миробод тумани СИБ томонидан 04.09.2013 й. № 32172/6 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 1976 й. и.ч. «Ваз 2101» д.р. 10 Л 196 FA. Бошланғич баҳоси — 2 607 278 сўм. 36. Миробод тумани СИБ томонидан 04.09.2013 й. № 32174/6 - сонли ижро ҳўжжатиға асосан 2009 й. и.ч. «Нексия Донс 2» д.р. 01 Е 668 JA. Бошланғич баҳоси — 25 200 000 сўм. 37. Миробод тумани СИБ томонидан 30.05.2012 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 Р 143 NA. Бошланғич баҳоси — 20 603 176 сўм. «Space Arsenal Service» МЧЖ Яккасарой тумани Олтин водий кўчаси 29-уйда сақланмоқда. (34,35,36,37,38,39). Аукцион савдоси 2013 йил 5 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 40. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси махсуслаштирилган автотранспорт корхонаси томонидан 1997 й. и.ч. «Дамас DLX» д.р. 01 628 САА. Бошланғич баҳоси — 3 233 120 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 20 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичи бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиғида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган зака



Ўқин, Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

КОНСТИТУЦИЯ КИЧКИНТОЙЛАР НИГОҲИДА

Хар ким билмиш олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар жараёнида ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш, ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу фармойишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тўғри шакллантириш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишдан иборат. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида Асосий Қонунимизда белгиланган тушунча ва тамойиллар мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув масканларида кенг ўргатилмоқда.

Буни Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 589-мактабгача таълим муассасаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу муассасанинг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида «Конституция сабоқлари» машғулотли кизикарли ва таъсирчан, воситалар ёрдамида ташкил этилмоқда. Бош қўшимчанинг 21 йиллиги олдидан «Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати» шиори остида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида ёшлар тарбияси ҳамда уларни диний экстремистик гуруҳларнинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш ва ҳимоялаш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабалари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари ўз маърузаларида ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли диний оқимлар, диний экстремистик ташкилотлар ҳақида маълумотлар бериб ўтишди. Шу билан бирга, бугунги таҳликали замонда талаба-ёшларни миллий қадриятларимизга ёт бўлган ғоялар, ғараз ниятда тарғиб этилаётган хуружлардан огоҳ этиш мақсадида «Изтироб ёҳуд бир жангари хотиралари» деб номланган видеофильм ҳам намойиш этилди.

Семинар-учрашув да-

вомида ўсиб келаётган ёш авлодни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ақидарастликларга қарши курашиш ва уларнинг диний оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар самараси ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Огоҳлик — давр талаби. Шундай экан, ҳар бир ёш авлод вакили учун юрт равнақи йўлида дахлдорлиги масъулиятини ҳис этиш ҳамда жамиятимизнинг осойишта ҳаётини асраб-авайлаш муқаддас бурчдир.

Нигина ХОДЖАЕВА,
ЎЗМУ журналистика факультети
1-босқич талабаси

...Боғчанинг болалар кийкиригига, шодон кулгуси-ю завқли таассуротларга бой одатдаги кун. Катта ва кичик гуруҳдаги кичкинтойлар қўлини кўксига қўйиб, ширин талаффузда давлатимиз мадҳиясини куйлайди. Беғубор қалблар меҳри-ла янграган бу қўшиқ ўз ифодаси ва сеҳри билан ҳар қандай кишининг кўнглини фахру ифтихорга тўлдириб юборади. Мадҳия яқунланган, тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Манзура Нурматова болаларга содда, уларнинг ёши ва дунёқарашига мос воситалар — турли суратлар, буклет ва плакатлар ёрдамида Ўзбекистон Конституцияси, мамлакатимиз мустақиллиги, давлат рамзлари, тили, пул бирлиги, шу юртда яшаётган ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида тушунарли тилда ҳикоя қилади. Кейин савол беради:

— Қани, ким айтади: мамлакатимизда яқинда қандай байрам нишонланади?

Болалар ҳаммаси хажжи қўлчаларини кўтаради:

— Мен айтаман! Мен биламан!..

— Севара, сен айтчи.

Севара Муртазоева қувониб кетади ва донда қилиб жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини.

— Конституциямиз қачон қабул қилинган?

— 1992 йил 8 декабрь кунини.

— Балли! Қани, энди ким айтади: Ўзбекистон Республикаси қандай давлат рамзларига эга?

Болалар яна қувурлашиб қўл кўтаради:

— Улуғбек! — деб ишора қилади тарбиячи.

— Ўзбекистон Республикаси ўз Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга.

Спорт янгиликлари

КЕЛАЖАК РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ниҳоят мамлакатимизда жорий йилги футбол мавсуми якунига етди.

Жорий йилги футбол баҳслари муҳлисларга ҳаяжонли лаҳзаларни ҳада этгани шубҳасиз. Аввало, профессионал футбол лигаси жамоалари беллашувлари анча қизиқарли кечди. Чемпионат ғолиби ва совриндорлари сўнгги турдагина маълум бўлди.

Шунингдек, профессионал футбол лигаси жамоаларининг ёшлар лигаси баҳсларида ҳам «Бунёдкор» ёшлари чемпиони бўлишгани таҳсинга сазовор. Бундан ташқари 2013 йил терма жамоалари учун ўзига хос синов йили бўлди. Аввало, миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида саралаш турлирининг сўнгги тўртинчи бўлишида ҳам ҳар қачонгидан кўра мундиал йўлнамаси учун кескин кураш олиб борди. Фақат сўнгги баҳслардагина омад Миржалол Қосимов шогирдларидан юз ўғирди.

Аҳмаджон Мусаев ҳамда Дилшод Нуралиев бош мураббийликларидagi Ўзбекистон ёшлар, ўсмирлар терма жамоалари Туркияда, БААда ёшлар, ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида иштирок этишди. Аҳмаджон Мусаев шогирдлари ёшлар ўртасидаги

жаҳон чемпионатида чорак финалгача бўлган йўлни босиб ўтишган бўлса, Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ўсмирлар терма жамоамиз ўсмирлар жаҳон чемпионатида гуруҳ баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, нимчорак финалдагина имкониятни бой бериб қўйишди.

Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги 16 ёшли ўсмирлар терма жамоамиз, Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги ёшлар терма жамоамиз келгуси йили ушатириладиган Осиё чемпионатида катнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Мамлакатимизда аёллар футболлари ҳам жадаллик билан ривожланиётгани таҳсинга лойиқ. Чунки жорий йилда аёллар ўртасида ҳам олий ва биринчи лига жамоалари ўртасида биринчилик мусобақалари юқори савияда ташкил этилди. Дарвоқе, Гулнора Аъзамова бош мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Осиё чемпионати йўлнамасига эга бўлди. Хуллас гапирса арзийдиган голлар кўп.

Куни кеча Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси

— Тўғри! — деб қувонтиради М.Нурматова болакайи...

Фарзандларимизни гўдаклигидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, давлат ва жамият олдидagi бурч ва масъулиятини теран ҳис этишга ўргатиш тарбиячи ва мураббийларнинг энг муҳим вазифаларидан. Шу боис мазкур муассасада «Конституция сабоқлари» машғулотлари кичкинтойларга ҳуқуқий давлат ҳақидаги илк тушунчаларни, ўз ҳуқуқ ва бурчларини аниқлашда, уларни Ватанга садоқат, истиклол ғояларига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув даврида ўз ҳақ-ҳуқуқини теран англаган ва бурчига садоқатли, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга авлодгина эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланади.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун нафақат ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати, айни пайтда давлат ва жамият олдидagi бурчларини ҳам белгилаб берган. Айниқса, болаларни кичик ёшдан қўли билан олишга, қизиқишга қараб касб-хунар эгаллашга, малакали мутахассис бўлиб вояга етишга жалб қилишда, уларни Президентимиз таъкидлаганидек, кучли, билимли, доно ва бахтли авлод бўлиб яшашини таъминлашда Конституция асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

589-мактабгача таълим муассасасида 500 нафарга яқин бола тарбияланмоқда. Бу ерда уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилган.

Боғчада хорижий тиллар, бадий гимнастика, рақс, шашка тўғралаклар ташкил этилган, мусика сабоқлари ва жисмоний тарбия машқлари, болаларнинг ёшига мос ўйин ва машғулотлар ўтказилиши уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан зийрак улғайишига, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, концерт дастурлари эса улардаги истеъдод ва қобилиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

билан футбол мутахассислари иштирокида тадбир ўтказилди. Асосан, турли ёшдаги терма жамоалар мураббийлари иштирок этган йиғилишда терма жамоаларнинг жорий йилги халқаро мусобақалардаги иштирокига баҳо берилди. Терма жамоаларнинг бош мураббийлари ҳисоботлари тингланган, келажак режалари муҳокама қилинди. Бош мураббийларнинг ҳисоботларидан маълум бўлдики, ҳали футбол ривожини йўлида амалга ошириладиган ишлар жуда кўп. Буни турли ёшдаги терма жамоаларимизнинг халқаро турнирларда иштироклари ҳам исботлаб турибди. Бош командалар мураббийлари ҳисоботлари якунида шу нарсга маълум бўлдики, терма жамоаларимизнинг халқаро турнирларда муваффақият қозонишлари учун миллий чемпионат савиясини янада юксалтириш зарур. Бундан ташқари жамоалар ўринбосарлари билан клуб мураббийлари жиддий ишлашлари, ёшларнинг чемпионат баҳсларида асосий таркибда ўйнашларига имкон беришлари зарур. Ана шунда терма жамоа аъзолари бўлган ёшлар ва ўсмирларда ўйин амалиёти кучаяди.

Мамлакатимизда болалар ва аёллар футболлари тараққиёти йўлида янада ғайрат билан фаолият юритиш ҳар бир мураббийдан талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган тадбир катнашчилари якунда келгусида футбол ривожини йўлидаги фаолиятни янада жонлантириш учун бажарилиши лозим бўлган режаларни белгилаб олишди.

Акбар Йўлдошев

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингир кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига отқазиб берилади.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Хисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик — катта бойлик, демокдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омиқкорлик билан фойдаланиш қиёдаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчилик билан уланлишларга йўл қўймасак хизмат сифати ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтди.

Шу ўринда, сиз қадрили истеъмолчиларга шунини эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

● **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055**

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27

Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод — 254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Хамза — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46

Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Хамза — 291-87-83
Чилонзор — 271-13-63
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичида-босқич охиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога «SOVPLASTITAL» ОАЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзее, Катта Қаныи кўчаси, 35-а ва 35-б йил манзилда жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 5 371 371 000 сўм.

Савдо 2013 йил 23 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 20 декабрь кунини соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2013 йил 23 декабрь кунини сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2013 йилнинг 30 декабрь, 2014 йил 6 январь ва 13 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 30 декабрь, савдо учун 27 декабрь, 2014 йил 6 январдаги савдо учун 3 январь, 13 январдаги савдо учун 10 январь кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Савдо ғолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабдорлар объект бошлангич баҳосининг 1 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 ноябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 ва эрталаб 22 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмқдорли паст бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1141

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8594 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир
Акматали АҚМОВ